

---

## ҲОКИМГА ТАШАККУРНОМА КЕЛДИ (ёҳуд халқнинг 4 йиллик орзуси ушланди)

**Ҳаётда кимдир сизни тингласа, ташвишларингизни жон қулоғи билан эшитиб кўмақдош бўлса, унинг оғирингизни енгил қилиш учун шай турганини ҳис этсангиз, бу нақадар бахт.**

Ҳаётда кимдир сизни тингласа, ташвишларингизни жон қулоғи билан эшитиб кўмақдош бўлса, унинг оғирингизни енгил қилиш учун шай турганини ҳис этсангиз, бу нақадар бахт. ҲОКИМГА ТАШАККУРНОМА КЕЛДИ (ёҳуд халқнинг 4 йиллик орзуси ушланди)

Илгари ҳабар қилганимиздек, Фарғона тумани ҳокими Шухратжон Мўминов туманни ҳар томонлама ривожлантириш, халқ билан очиқ-ошқора мулоқот қилишнинг янги тизими — Сайёр қабуллар ташкил этилганидан кейин одамларнинг кўп йиллик муаммоларини, талаб ва эҳтиёжларини яқиндан ўрганиш, уларни ҳатто жойида ҳал этиш, зарур чора-тадбирларни белгилаб, ижтимоий адолатни таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Туман раҳбари ҳар бир МФЙлардаги аҳоли вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувида билдирилган таклиф ва сўровларни ўз назоратига олган. Унинг бажарилишини таъминлаш юзасидан назорат ўрнатган. Чимён қишлоғида бўлиб ўтган халқ билан учрашувда қуруқсойликлар туман раҳбариятидан электр таъминотида бир қатор муаммолар борлигини, дренаж сув қудуғи ТПдан фойдаланишлари натижасида бир қатор муаммоларга дуч келаётганликларини айтишиб, амалий ёрдам беришни сўраган эдилар. Мурожат назоратга олиниб, туман электр тармоқлари корхонаси раҳбариятига ижроси топширилган эди. Тез орада корхона раҳбарияти масалани жойида ўрганиб, ишга киришдилар. 200 дан ортиқ хонадон, 1000 нафар аҳоли истиқомат қилаётган “Қуруқсой” кўчасига 2 км. янги линия тортилиб, халқнинг 4 йиллик орзуси ушланди. Яна бир янгилик туман электр тармоқлари корхонаси 2021 йил дастурига асосан қишлоққа бетон симёфочлар ўрнатиш ва янги ТП ишга туширилишини дастурга киритди.

---

**Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2020-09-09 16:54:05